

ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ-МАМЛАКАТДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛНИ ТАКРОР ҲОСИЛ ҚИЛИШ
ИНСТИТУЛЛАРИ СИФАТИДА

*Тошкент давлат иқтисодиёт
университети таянч докторанти
Каримова Л.С.*

Калим сўзлар: Интеллектуал капитал, рақамли иқтисодиёт, гендер тенглиги, ялпи капитал, инсон капитални.

Ключевые слова: Интеллектуальный капитал, Цифровая экономика, гендерное равенство, валовой капитал, человеческий капитал.

Key words: Intellectual capital, Digital economy, Gender equality, Gross capital, Human capital.

Аннотация: Уибу мақолада интеллектуал капитални ҳосил қилишида таълим тизимининг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Статистик маълумотлар асосида Ўзбекистондаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятининг ийиллар ва ҳудудлар кесимида таҳлили келтирилган

В данной статье рассматривается роль и значение системы образования в формировании интеллектуального капитала. На основе статистических данных была проанализирована деятельность дошкольных образовательных учреждений в Узбекистане по годам и регионам.

This article examines the role and importance of the education system in the formation of intellectual capital. Based on statistical data, the activities of preschool educational institutions in Uzbekistan were analyzed by year and region.

Интеллектуал капиталнинг инновацион-рақамли иқтисодиётдаги муҳим роли уни шакллантириш, қўллаш ва такрор ҳосил қилиш жараёнларини чукур ўрганишда бу борадаги объектив тўпланган билимларга зарурат туғилади. Бу эса келгусида ривожланишининг мақсад ва йўналишларини тўғри танлаш имконини беради.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча жабҳаларида интеллектуал капитал аҳамиятини ошириш мақсадида таълим тизимиға жуда катта аҳамият қаратилмоқда.

Интеллектуал капитал тўғрисидаги назарий қарашларига кўра, таълим учун харажатлар миқдори ошириладиган бўлса, ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам ошади. Бу эса пировардида уларнинг даромадлари ортиши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига ва камбағаллик даражаси пасайишига олиб келади. Шу билан бирга, ёш авлод таълимининг бошланғич даражалари (мактабгача, бошланғич, ўрта таълим)га сармоя киритиш, келажакда улар эришиши мумкин бўлган даромадлари, таълимнинг кейинги босқичларига сармоя киритишга қараганда кўпроқ ортишида ёрдам беради. Таълим жамиятда интеллектуал капиталга таъсир этувчи фаолиятлар яъни даромадлар тенгсизлигини камайтириш ва гендер тенглигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Мамлакат таълим тизими ва даражаси келажак авлод ҳаётининг фаровонлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиб, келгусида уларнинг камбағал бўлиб қолиш хавфини камайтиради.

Давлат томонидан таълим тизими учун ажратилаётган маблағларнинг камбағалликни қисқартиришга таъсирини баҳолаш учун олимлар паст ва ўрта даромадли 52 та мамлакатнинг 1990-2020 йиллар бўйича маълумотларидан фойдаланиб, эмпирик таҳлил ўтказишиган.¹.

Тадқиқот натижаларига кўра, давлат томонидан таълим тизими учун ажратилаётган маблағларнинг 1% га ортиши камбағалликни 0,03% га қисқартириш имконини беради². Шу билан бирга, ЯИМнинг ўсиши, савдо-сотик ва ялпи капитал қўйилмаларнинг ошиши, инфляциянинг пасайиши каби омиллар мамлакатда камбағаллик даражасини пасайтиради.

Шундан келиб чиқкан ҳолда республикамиизда ҳам таълим тизимининг ҳар бир босқичига катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

¹ https://t.me/ifmr_public Ш.Амридинова, Д.Ваҳобова. Таълимга кўп пул сарфланса, камбағаллик қисқарадими?

² https://t.me/ifmr_public Ш.Амридинова, Д.Ваҳобова. Таълимга кўп пул сарфланса, камбағаллик қисқарадими?

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон капиталини ривожлантириш ва таълим сифатини ошириш, жамиятнинг барча аъзоларига таълим хизматларининг турли босқичларидан фойдаланиш имконияти берилишини таъминлаш учун давлат бюджетидан маблағлар йўналтирилишига алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, сўнги 5 йилда таълимнинг барча босқичларида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Мактабгача таълим, мактаб, касб-хунар мактаблари ва олий таълим муассасалари сони йилдан-йилга ошиши билан бирга, таълим олувчилар сони ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Интеллектуал капитални ҳосил қилиш жараёнининг дастлабки босқичи мактабгача таълим ташкилотларидан бошланади. Сўнги йилларда мамлакат аҳолиси сонининг ортиши билан республикада мактабгача таълим ташкилотларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Таҳлиллар республикада сўнгги йилларда янги ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларининг сонида сезиларли ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатди (2.6-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотлари сони³

	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2022-йилда 2015-йилга нисбата н ўзгари ш(%)
Кўрсаткичлар	2015	2016		2017	2018	2019	2020	2021	2022	
Мактабгача	5150	512	513	5186	6381	6968	7753	7868	8412	53,5

³ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> - Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

таълим ташкilotлар и сони – жами, бирлик	6	8									
шахар жойларида	3088	306 5	308 8	3139	3500	3779	4151	4129	4430	34,7	
қишлоқ жойларида	2062	206 1	205 0	2047	2881	3189	3602	3739	3982	81,4	
Мактабгача таълим ташкilotлар ида жойлар сони, минг бирлик	703,4	713,1	721,8	733,9	807,2	945,5	1155,7	1260,3	1372,6	76,7	
шахар жойларида	481,3	486,1	490,9	503,5	526,0	603,4	674,1	714,0	777,6	46,9	
қишлоқ жойларида	222,1	227,0	230,9	230,4	281,2	342,1	481,6	546,3	595,0	140,7	
Мактабгача таълим ташкilotлар ида болалар сони, минг киши	620,8	634,1	691,0	732,9	874,4	1115,4	1196,4	1321,4	1455,8	108,4	
шахар жойларида	449,8	457,5	486,9	517,2	566,1	674,8	685,3	735,6	803,9	60,8	
қишлоқ жойларида	171,0	176,6	204,1	215,6	308,3	440,6	511,1	585,8	651,9	231,7	

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Педагог ходимлар сони, минг киши	57,6	58,3	59,7	63,3	81,1	96,5	106,8	117,0	131,7	100,7
---	------	------	------	------	------	------	-------	-------	-------	-------

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2022 йилда 2015 йилга нисбатан мактабгача таълим ташкилотлари сони 53 фоизга ўсган бўлса, мактабгача таълим ташкилотларида болалар сони 108,4 фоизга ўсган, мактабгача таълим ташкилотларида жойлар сони эса 76,7 фоизга ўсган. Бу ўсиш асосан қишлоқ жойлари кузатилмоқда, ўсиш ҳисобига мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни қамраб олиш даражаси паст дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабтётлар рўйхати

https://t.me/ifmr_public Ш.Амридинова, Д.Ваҳобова. Таълимга кўп пул сарфланса, камбағаллик қисқарадими?

<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> - Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди https://t.me/ifmr_public Ш.Амридинова, Д.Ваҳобова. Таълимга кўп пул сарфланса, камбағаллик қисқарадими?